

THE TIMING OF PLANTING IN THE AUTUMN WHEAT GRAIN CROP UNDER THE CONDITIONS OF TAUT SOILS OF THE DESERT REGION, THE PROCEDURE FOR WATERING AND THE EFFECT OF THE NORM OF ORE FERTILIZERS

N.G Yodgorov, doctor of philosophy in Agricultural Sciences, senior research fellow. Southern Agricultural Research Institute

B.M.Halikov, doctor of agricultural sciences, professor. Research Institute of agrotechnologies of cotton selection, seeding and cultivation

B.M.Azizov, doctor of agricultural sciences, professor. Tashkent State Agrarian University

ANNOTATION

In this article, the varieties "Zimnisa" and "Goose" of autumn wheat in 2015-2017 were planted in the conditions of dense soils of the steppe region of Kashkadarya region for the periods 01-05.10 and 15-20.10, with their care compared to Chdns for the periods 70-75-60% and 75-80-70% watering procedures and NPK 100:75:50; 180:120:90 and 250:175: analysis of the obtained scientific data on the effect of winter wheat varieties on grain yield when applying 125 kg/ha norms.

Keywords: soil, climate, region, winter wheat, variety, planting, term, norm, fertilizing, watering, grain, yield.

Бугунги кунда республикамизда суғориладиган ерларда кузги буғдой ҳосилдорлиги жуда кўп хўжаликларда ўртача гектаридан 30-40 центнерни ташкил этмоқда, аммо интенсив буғдой навларининг потенциал ҳосилдорлиги гектаридан 100-120 центнерни ташкил қилади. Потенциал ҳосилдорлик ва амалдаги ҳосилдорлик ўртасида бундай катта фарқни асосий сабабларидан бири етиштириш агротехнологиясининг шу жумладан кузги буғдойни экиш муддати, ўғитлаш ва суғоришнинг илмий асослари ишлаб чиқилмаганлигидир. Ўсимликни ўсув даврида етарли намлик билан таъминлаш кам сув сарфлаган ҳолда ҳосилдорликка путур етказмасдан мўл

ва сифатли ҳосил етиштириш бугунги кунда мамлакатимиз ғаллачилигидаги асосий муаммолардан биридир. Бинобарин, кузги буғдойнинг биологик хусусиятларини, минтақанинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда экиш муддатлари, маъдан ўғитлар- азот, фосфор ва калийнинг энг мақбул меъёрларини ҳамда суғориш тартибларини аниқлаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш дон етиштиришдаги энг долзарб муаммодир.

Чўл минтақаси тақирсимон тупроқларида 2015-2017 йилларда ўтказилган тажрибадан олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойни экиш муддатлари унинг дон ҳосилдорлигига бевосита таъсири аниқланди.

1-жадвал

**Чўл минтақаси тақирсимон тупроқлар шароитида кузги буғдой
навларининг дон ҳосилдорлиги
(2015-2017 йй.)**

| Ва р №. | Кузги буғдой навлари | Экиш муддатлар и, кун | Суғори ш тартиби , ЧДНСг а нисбата н, % | Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га | Йиллар бўйича дон ҳосилдорлиги, ц/га | | | |
|---------------|----------------------------|-----------------------------|--|--|---|-------------|-------------|------------|
| | | | | | 201 5 й. | 201 6 й. | 201 7 й. | Ўртач а |
| 1 | «Зимниц а» | 01-05.10 | 70-75-60 | N ₁₀₀ P ₇₅ K ₅₀ | 38,2 | 39, 7 | 39,1 | 39,0 |
| 2 | | | | N ₁₈₀ P ₁₂₀ K ₉₀ | 53,3 | 55, 4 | 54,5 | 54,4 |
| 3 | | | | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 53,5 | 55, 7 | 54,7 | 54,6 |
| 4 | | | | N ₁₀₀ P ₇₅ K ₅₀ | 40,4 | 42, 0 | 41,3 | 41,2 |

| | | | | | | | | | | |
|----|----------|----------|----------|---------------------------|---------------------------|---------------------------|----------|----------|------|------|
| 5 | | | | $N_{180}P_{120}K_9$ 0 | 55,8 | 58, 0 | 57,1 | 56,9 | | |
| 6 | | | | $N_{250}P_{175}K_1$ 25 | 56,0 | 58, 2 | 57,3 | 57,1 | | |
| 7 | | 15-20.10 | 70-75-60 | $N_{100}P_{75}K_{50}$ | 34,2 | 35, 6 | 35,0 | 34,9 | | |
| 8 | | | | $N_{180}P_{120}K_9$ 0 | 49,0 | 51, 0 | 50,1 | 50,0 | | |
| 9 | | | | $N_{250}P_{175}K_1$ 25 | 50,6 | 52, 6 | 51,7 | 51,2 | | |
| 10 | | | 75-80-70 | $N_{100}P_{75}K_{50}$ | 36,1 | 37, 6 | 36,9 | 36,8 | | |
| 11 | | | | $N_{180}P_{120}K_9$ 0 | 51,3 | 53, 4 | 52,5 | 52,3 | | |
| 12 | | | | $N_{250}P_{175}K_1$ 25 | 52,5 | 54, 6 | 53,7 | 53,6 | | |
| 13 | «ФОЗФОН» | | 01-05.10 | 70-75-60 | $N_{100}P_{75}K_{50}$ | 39,4 | 41, 0 | 40,3 | 40,2 | |
| 14 | | | | | | $N_{180}P_{120}K_9$ 0 | 55,2 | 57, 4 | 56,5 | 56,3 |
| 15 | | | | | | $N_{250}P_{175}K_1$ 25 | 55,3 | 57, 5 | 56,6 | 56,4 |
| 16 | | | | 75-80-70 | $N_{100}P_{75}K_{50}$ | 41,4 | 43, 1 | 42,4 | 42,3 | |
| 17 | | | | | $N_{180}P_{120}K_9$ 0 | 57,3 | 59, 6 | 58,6 | 58,5 | |
| 18 | | | | | $N_{250}P_{175}K_1$ 25 | 57,4 | 59, 7 | 58,7 | 58,6 | |
| 19 | | | | 15-20.10 | 70-75-60 | $N_{100}P_{75}K_{50}$ | 36,1 | 37, 5 | 36,9 | 36,8 |
| 20 | | | | | | $N_{180}P_{120}K_9$ 0 | 50,6 | 52, 6 | 51,8 | 51,6 |
| 21 | | | | | | $N_{250}P_{175}K_1$ | 51,8 | 53, | 53,0 | 52,8 |

| | | | | | | | |
|----|--|----------|--|------|----------|------|------|
| | | | 25 | | 8 | | |
| 22 | | 75-80-70 | N ₁₀₀ P ₇₅ K ₅₀ | 37,6 | 39, 1 | 38,5 | 38,5 |
| 23 | | | N ₁₈₀ P ₁₂₀ K ₉₀ | 52,3 | 54, 4 | 53,5 | 53,4 |
| 24 | | | N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ | 53,7 | 55, 9 | 54,9 | 54,8 |

Кузги буғдойни “Зимница” навини ЧДНСга нисбатан юқори тартибда суғориш ундан юқори миқдорда дон ҳосили олишни таъминлади. Олинган маълумотларга кўра, суғориш ЧДНСга нисбатан 70-75-60% да ўтказилган 1; 2 ва 3-вариантларда дон ҳосилдорлиги 39,0-54,4-54,6 ц/гани ташкил этган бўлса, ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тупроқ намлигида суғорилган 4; 5 ва 6-вариантларда ушбу кўрсаткичлар ўртача 41,2-56,9-57,1 ц/гани ташкил этиб, 2,2-2,5 ц/га миқдорида қўшимча дон ҳосили олишга эришилди. Худди шу тартибдаги қонуниятлар тажрибанинг 7; 8; 9; 10; 11 ва 12-вариантларида ҳам кузатилиб, қўшимча дон ҳосили 1,9-2,4 ц/гани ташкил этди.

Кузги буғдойни “Ғозғон” навида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинди.

Суғориш тартиблари бўйича олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, кузги буғдой навларини юқори ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тартибда суғориб парвариш қилиш ундан 1,9-2,5 ц/га қўшимча дон ҳосили олишни таъминлайди.

Маъдан ўғитларни таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги буғдой навлари маъдан ўғитларни юқори меъёрларини қўллаб парвариш қилиш унинг дон ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Маълумотларга кўра, кузги буғдойни “Зимница” нави маъдан ўғитлар NPK 180:120:90 ва 250:175:125 кг/га меъёрида қўлланганда дон ҳосилдорлиги ўртача 50,0-57,1 ц/гани ташкил этиб, NPK 100:75:50 кг/га меъёрда қўлланилган вариантларга

нисбатан 15,1-16,8 ц/га миқдорида қўшимча дон ҳосили олишга эришилди. Ушбу кўрсаткичлар “Ғозғон” навида эса 51,6-58,6 ц/гани ташкил этиб, қўшимча дон ҳосили 14,8-16,3 ц/гани ташкил этди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, кузги буғдой парваришида маъдан ўғитларни NPK 250:175:125 кг/га меъерини қўлланилиши дон ҳосилдорлигини NPK 100:75:50 кг/га меъери қўлланилганга нисбатан 14-15 ц/га оширган бўлсада, NPK 180:120:90 кг/га меъери қўлланилганга нисбатан дон ҳосилдорлиги эрта муддатда экилганда деярли бир хил кўрсаткичларни намоён этганлиги ёки фарқ 0,1-0,2 ц/га бўлганлиги, фақат иккинчи муддатда экилган вариантларда қўшимча ҳосил бироз кўпроқ бўлиб, 1,2-1,3 ц/гани ташкил этгани аниқланди. Бундан айтиш мумкинки, кузги буғдой нисбатан кеч муддатларда экилганда маъдан ўғитларга бўлган талаби юқори эканлигини билдиради.

Маълумотлар мақоланинг 1-жадвалида келтирилди.

Ўтказилган уч йиллик тажриба натижаларига кўра, хулоса қилиш мумкинки, чўл минтақасининг тақирсимон тупроқлари шароитида энг юқори дон ҳосили кузги буғдойнинг “Ғозғон” навини эрта 01-05.10 муддатда экиб, маъдан ўғитларни NPK 180:120:90 ва 250:175:125 кг/га меъерларини қўллаб, суғориш ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тартибида олиб борилган 16; 17-вариантларида аниқланиб, дон ҳосилдорлиги ўртача уч йилда 58,5-58,6 ц/гани ташкил этди. Агар кузги буғдойни экиш 15-20.10 муддатига тўғри келса, уни NPK 250:175:125 кг/га меъерида қўллаб, суғоришни ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тартибида ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сиддиқов Р., Саидов С. Кузги имкон – ёзги хирмон. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №9. 2016. – Б. 12-13.
2. Халиков Б.М.. Кузги буғдой қайси муддатда экилгани маъқул? Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги -Тошкент, 2000. -№3. – Б. 31-32.

3. Халиков Б.М., Х.Бозоров Х. Кузги буғдой етиштиришнинг муҳим омиллари. “Ўзбекистон жанубида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-техник анжумани мақолалар тўплами, Қарши-2013. 87-89 б.